



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**  
**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ**  
**КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

STATE TAXATION COMMITTEE OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent shahri, Abdulla Qodiriy ko'chasi, 13A uy. Tel.: 71 244-97-16, Faks: 71 244-89-12, www.soliq.uz

**B U Y R U Q**

2019 yil «10» 04 84 son

**Давлат солиқ хизмати органларида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлашни  
такомиллаштириш түғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари түғрисида”ги Конуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби түғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” 341-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби түғрисида Низомнинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий ишлар ва назорат бошқармасининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими, раҳбарнинг шахсий қабуллари бўйича раҳбариёт ёрдамчилари ва қабулхоналари, оғзаки мурожаатлар юзасидан Навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш хизмати билан биргаликда давлат солиқ хизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш учун масъул таркибий тузилма (жойларда унинг ҳудудий бўлинмалари) ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

**3. Давлат солиқ құмитаси раиси ўринбосарлари (М.Мирзаев, А.Файзибаев, Х.Шакиров, М.Маҳкамов, Б.Турабов), Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси марказий аппарат таркибий тузилмалари билан биргаликда:**

ақоли ва тадбиркорлық субъектлари билан ишлашни тубдан қайта күриб чиқыш, уларнинг солиққа оид муносабатларда юзага келаётган муаммо ва эътиrozларини жойида ҳал этиш, ақоли билан ишлаш маданиятини янада оширишга эришиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг жисмоний ва юридик шахсларни, уларнинг вакилларини Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сон қарорида белгиланған тартибда кунлик соат 8 дан 11 гача қабул қилишни ҳамда күтарилған масалани имкон қадар ижоби ҳал этилишини таъминласин.

**4. Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси ва Янги технологиилар илмий-ахборот маркази мурожаатларнинг ҳисобини юритишда “Электрон ҳужжат алмашиш” автоматлаштирилған ахборот тизимиға бир ой муддатда тегишли ўзгартиришлар киритсин.**

**5. Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосарлари (М.Мирзаев Х.Шакиров), “Солиқ-сервис”, “Янги технологиилар илмий-ахборот маркази” давлат унитар корхоналари, Ахборот-коммуникация технологиилари бошқармаси, Стратегик ривожлантириш бошқармаси ва Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси савдо ва ахолига хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонасидаги Call-марказда “24-соат” режимида қабул қилиш тартибини 2 ва 3-иловалардаги схемаларга мувофиқ бир ой муддатда ишлаб чиқсин.**

**6. Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари (М.Маҳкамов), Навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш хизмати қўмитанинг 2018 йил 25 декабрдаги 539-сон буйруғи билан тасдиқланған “Давлат солиқ хизмати органларининг “Ишонч телефони” орқали қабул қилинаётган мурожаатлар билан ишлаш тўғрисида”ги Тартибга 10 кун муддатда тегишли ўзгартиришлар киритсин.**

**7. Кадрлар билан ишлаш бошқармаси мазкур буйруқ билан тасдиқланған Низом талабларини навбатдаги касбий ўқув машғулотларида шахсий таркибга етказилишини таъминласин.**

8. Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 майдаги 228-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосарлари (М.Мирзаев, А.Файзибаев, Х.Шакиров, М.Маҳкамов, Б.Турабов) зиммасига юклансин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 4 мартағи 3-сонли хизмат йиғилиши баёни 15-банди.

Раис



Б.Мусаев

Давлат солиқ құмитасининг  
2019 йил “10” апрелдаги  
84-сон буйруғига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари  
билиш ишлеш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари түғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ давлат солиқ хизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлеш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик түғрисидаги, фуқаролик процесдуал, жиноят-процесдуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процесдуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонулар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг, ташкилотларининг, шунингдек, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза** - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш түғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш түғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**аноним мурожаат** - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи түғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) түғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**мурожаатнинг дубликати** - айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси;

**такрорий мурожаат** - аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун хужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганилиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

**электрон мурожаат** - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**оммавий қабул** - давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**сайёр қабул** - давлат органлари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиқкан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

**видео-конференц-алоқа** - узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**давлат иштирокидаги ташкилот** - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон тарзда ариза, таклиф ва шикоят шаклида берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга.

Давлат солиқ хизмати органларининг “Ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг расмий веб-сайти орқали ёки расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (кейинги ўринларда Ҳукумат портали деб аталади) орқали келиб тушган

мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

## **2-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари**

5. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Қонунга мувофиқ, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

6. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

7. Давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

8. Мурожаатлар давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг масъул ва мансабдор шахслари томонидан

қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

9. Мурожаатларни кўриб чиқишида жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

10. Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз хуқуqlари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

### **3-боб. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

11. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

12. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

13. Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилимайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаатнинг тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

14. Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатларнинг конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

15. Ёзма мурожаат, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

16. Мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида белгиланмайди.

Айрим ҳолларда, агар давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг масъул ва мансабдор шахслари мурожаатни

кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоги билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат солиқ хизмати органларининг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

17. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат давлат солиқ хизмати органининг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

#### **4-боб. Давлат солиқ хизмати органларида мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш**

18. Давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ схемага биноан амалга ошириллади.

19. Давлат солиқ хизмати органларида Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилишда бевосита давлат солиқ хизмати органи раҳбарига бўйсунади.

20. Давлат солиқ хизмати органларида Ташкилий ишлар ва назорат бошқармасининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) деб аталади):

таркибий тузилмалар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қиласи ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг

ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чоратадбирларини кўради;

мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартибларининг таркибий тузилмалар томонидан бузилиш ҳолатлари тўғрисида давлат солиқ хизмати органи раҳбарини дарҳол хабардор қиласиди;

мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда давлат солиқ хизмати органи раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифларни тақдим этади.

21. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси)нинг ходимлари юксак маънавий-ахлоқий, замонавий ахборот-коммуникация технологияларни қўллашни билиш, мурожаатлар билан ишлашда қатъиятли, эътиборли, хушмуомалали, шахснинг шаънини камситмаслик каби фазилатларга эга бўлиши шарт.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ташқи кўриниши бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига, ташкилотларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш тартибига риоя этиши, вазмин ва интизомли бўлиши керак.

22. Давлат солиқ хизмати органлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини мунтазам ўқитиб боради ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакасини оширади.

23. Давлат солиқ хизмати органлари ушбу Низом талабларига кўра, мурожаатлар билан ишлашда элекtron ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларида мурожаатлар билан ишлаш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Ҳукумат портали орқали келиб тушган мурожаатлар элекtron шаклда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ёки элекtron шаклда олиб борилади.

24. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли

муассасалар ва уларнинг мансабдор шахслари ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларнинг қайси мансабдор шахслари томонидан тузилган бўлса, ўша давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар ёки уларнинг мансабдор шахслари номидан фаолият кўрсатади.

25. Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, мурожаатда кўрсатилган масалани кўриб чиқиш (ҳал қилиш) бир нечта давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирса, мурожаатни кўриб чиқувчи давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар бошқа давлат органлари ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатини коллегиал эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақли.

### **5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари**

26. Ёзма ва электрон (электрон ҳужжат айланиш дастури жорий этилмаган бўлса, қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журналига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомнинг З-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан ёзма ёки электрон тарзда Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси)да рўйхатга олинади.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси (исми ва отасининг исми), унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг жойлашған жойи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олингандиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган давлат солиқ хизмати органининг таркибий бўлинмасининг номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампида давлат солиқ хизмати органининг расмий номи (умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

27. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари давлат солиқ хизмати органига оғзаки мурожаат этишганда улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул

қилиниши ва ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтдан бошлаб Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) бир иш кунидан кечиктирмай (агар иш кунининг охирида ёки иш куни тугаганидан сўнг келиб тушадиган бўлса, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан) мурожаатда баён қилинган масалаларни ўрганади ва уларни ижрога қаратиш бўйича саралайди.

Мурожаат келиб тушган давлат солиқ хизмати органининг ўзида кўриб чиқиладиган бўлса, Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) томонидан назорат қилувчи раҳбар ёки унинг ўринбосарига муносабат билдириш учун киритилади ва резолюция (топшириқнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида тегишли бошқарма, мустақил бўлим ва шуъбаларга ижро учун етказади.

Бунда, Давлат солиқ қўмитасининг тегишли таркибий тузилмаларида:

Давлат солиқ қўмитаси ҳамда давлат солиқ бошқармаси ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қилинган мурожаатлар (Ўз хавфсизлиги бошқармаси);

давлат солиқ бошқармаси томонидан кўриб чиқилган ва натижасидан норози бўлиб қайта (такрорий) қилинган (ходимларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган) мурожаатлар (Ички аудит бошқармаси);

солиқ органи томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан қилинган мурожаатлар (Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси);

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида йўл қўйилаётган қонун бузилиш ҳолатларига оид мурожаатлар (Солиқ соҳасида ҳукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси)

солиқ қонунчилигига оид тушунтиришлар, имтиёзлар ва таклифлар бериш бўйича келиб тушган мурожаатлар (тегишли таркибий тузилмалар томонидан) кўриб чиқилади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат солиқ хизмати органларига қилинган мурожаатлари бўйича мурожаатни кўриб чиқишига масъул бўлган тузилма ходимлари томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- мурожаатни қабул қилган вақтдан бошлаб, бир иш кунидан кечиктирмасдан мурожаатнинг мазмунини ўрганади ва кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ҳолат юзасидан мурожаатчи билан телефон орқали (телефон билан боғланиш имкони мавжуд бўлса) ёки шахсан

учрашиб (агар мурожаатчи давлат солиқ хизмати органига келиш имкони бўлса) сухбат ўтказади;

- мурожаатчидан қўшимча равишда керакли бўлган маълумотни олиб, унга белгиланган тартибда жавоб берилиши тўғрисида тушунтиради.

28. Келиб тушган мурожаатлар иш юритувига қабул қилиниши, бўйсуниш тартибида қуи давлат солиқ хизмати органига ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга юборилиши мумкин.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида (кейинги ўринларда давлат солиқ бошқармаси деб аталади) мурожаатларни кўриб чиқилиши ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган тартибда тегишли тузилмалар томонидан амалга оширилади.

Солиқ қонунчилигига оид тушунтиришлар, имтиёз ва таклифлар бериш юзасидан келиб тушган мурожаатлар фақат бошқарманинг тегишли бўлим (шуъба)лари томонидан кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича белгиланган тартибда Давлат солиқ қўмитасига маълумот берилади.

**Давлат солиқ инспекциясида:**

юқори турувчи давлат солиқ хизмати органларидан келиб тушган мурожаатлар;

бошқа идора ва ташкилотлардан тегишлилиги бўйича келиб тушган мурожаатлар;

Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ бошқармасида кўриб чиқилган мурожаатлардан ташқари бошқа мурожаатлар инспекциянинг тегишли бўлим (шуъба)лари томонидан кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича белгиланган тартибда давлат солиқ бошқармасига маълумот берилади.

29. Давлат солиқ хизмати органларининг қуи таркибий тузилмалари (давлат солиқ бошқармаси, давлат солиқ инспекцияси)да кўриб чиқиладиган мурожаатлар кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан муносабат билдирилган (имзоланган) топшириқ билан ижро учун ҳудудларга юборилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчини беш кун мобайнида хабардор қиласи, шунингдек, ахборот тариқасида юқори турувчи органнинг тегишли таркибий тузилмасига юборади.

Бунда, юқори турувчи давлат солиқ хизмати органининг назоратида турган мурожаатларни ҳудудий давлат солиқ хизмати органларида белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилишини назорат қилиш

мурожаатга масъул бўлган тузилма ва Мурожаатлар билан ишлаш бўлим (шуъбаси) зиммасига юклатилади.

Шунга кўра, юқори турувчи давлат солиқ хизмати органининг мурожаатни кўриб чиқиш учун масъул бўлган тузилмасига мурожаатнинг кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида вертикал назорат қилиб бориш учун Мурожаатлар билан ишлаш бўлим (шуъба)лари томонидан электрон шаклда кунлик кўриб чиқипадиган мурожаатлар рўйхати тақдим этиб борилади.

30. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргалиқда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди.

31. Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

32. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргалиқда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат солиқ хизмати органи ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини ёзма тартибда хабардор қиласди.

33. Мурожаатда келтирилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишида иштирок этиш учун давлат солиқ хизмати органи томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш учун давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

34. Мурожаатдаги масалаларни ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколати доирасига кирмаса, беш кун муддатдан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси ва унинг худудий бўлим раҳбарлари томонидан имзолангандан хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун асоссиз равища бошқа давлат органларига, ташкилотларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган давлат солиқ хизмати органларига ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

35. Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат солиқ хизмати органи ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ташаббусига кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшишишни ташкил этиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органи ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилиган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Зарур ҳолларда мурожаат этувчини эшишишга эксперталарни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб этиш мумкин.

36. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишини таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

37. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишининг имконияти бўлмаганда, улар давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат қилувчи келмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

38. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар давлат солиқ хизмати органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади,

Электрон мурожаатлар иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат солиқ хизмати органининг раҳбарига ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда, жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги

маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

39. Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган давлат солиқ хизмати органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат солиқ хизмати органи раҳбари томонидан, истисно тариқасида, кўпин билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

40. Таклиф давлат солиқ хизмати органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

41. Айрим ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки унинг ўринbosари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришлари мумкин.

42. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Мурожаатни қониқтирмаслик тўғрисидаги қарорни:

- Давлат солиқ қўмитасида – раис, унинг ўринbosарлари, таркибий тузилма раҳбарлари;

- Ҳудудий давлат солиқ бошқармаларида – бошлиқ, унинг ўринbosарлари;

Ҳудудий давлат солиқ инспекциясида – бошлиқ;

Тизим таркибидаги муассаса ва ташкилотларда – уларнинг раҳбарлари қабул қиласи.

Мурожаатга жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруриятга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

43. Мурожаатга жавоб хати давлат солиқ хизмати органлари, қўмитага қарашли муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Бунда, мурожаатга масъул бошқарма, мустақил бўлим ва шуъбалар (раҳбар, масъул ходим) томонидан тайёрланган жавоб

хатининг лойиҳасини имзолаш учун Юридик бўлим (хизмат) ва Мурожаатлар билан ишлаш бўлим (шуъба)лари билан келишилган ҳолда давлат солиқ хизмати органи раҳбари ва унинг ўринbosарига киритади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

44. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Қонун талаблари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон қарори ва мазкур Низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки, уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

45. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиқсан давлат солиқ хизмати органи ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек, йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, мурожаатта жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатта жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичida кўриб чиқилади.

46. Мурожаат, унда кўтарилиган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) мурожаатларни рўйхатта олиш журналига ва ҳисобга олиш карточкасига белги қўяди.

47. Юқори турувчи давлат солиқ хизмати органининг назоратида турган мурожаатларни кўриб чиқсан худудий давлат солиқ хизмати органи мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида белгиланган тартибда юқори турувчи Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шубаси)га ёзма шаклда хабар беради.

Давлат солиқ қўмитасига келиб тушган мурожаатни кўриб чиқиш учун масъул тузилма мурожаатнинг кўриб чиқилиши натижалари бўйича барча ҳужжатларни ижро санасининг охирги кунидан кечиктирмай қуий давлат солиқ хизмати органларидан олинишини ва белгиланган

тартибда “Электрон ҳужжат алмашиш” автоматлаштирилган ахборот тизимиға бириктирилишини таъминлайди.

Давлат солиқ қўмитасининг мурожаатни кўриб чиқиш учун масъул тузилмаси ўз назоратидаги мурожаатни натижалари бўйича ҳужжатларни “Электрон ҳужжат алмашиш” автоматлаштирилган ахборот тизимиға бириктиргандан сўнг, назоратдан олиш учун Юридик бўлим ҳамда Мурожаатлар билан ишлаш бўлими билан келишган ҳолда билдиргини Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси раҳбарига электрон тарзда киритади.

Давлат солиқ қўмитасининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ([pt.gov.uz](http://pt.gov.uz)) ва Бош прокуратурада ташкил этилган “Ишонч телефони” ([crm.track.uz](http://crm.track.uz)) орқали Давлат солиқ қўмитасига келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижалари бўйича маълумотларни ушбу дастурлар орқали электрон кўринишда юборади.

48. “Электрон ҳужжат алмашиш” автоматлаштирилган ахборот тизим мавжуд бўлмаган ҳолларда кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш давлат солиқ хизмати органларининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси)да ёки мурожаатлар билан ишлайдиган бўлинмада амалга оширилади.

## **6-боб. Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш**

49. Қўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

50. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хulosса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хulosса мурожаатлар билан ишловчи бўлинма раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ишонч телефонлари, “тезкор алоқа”га тушган мурожаатлар Қонунда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хulosаси тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади ва кўриб чиқилмайди.

51. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки таркибий бўлинма уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси)нинг раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланадиган хulosаси тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosаси тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма равишда хабардор қилинади.

52. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хulosаси тузилади, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчига тегишли тартибда хабардор қилинади.

53. Мурожаатларни кўриб чиқиш қўйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материаларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

54. Мурожаатни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қиласди.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 53-банд иккинчи хатбоисига мувофиқ тугатилгандан, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилгандан мурожаат қилувчига давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичидаги қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

#### **7-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш**

55. Давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасаларда, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек, оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларининг барча даражадаги раҳбарлари жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини жойпарда сайёр қабул қилиш бўйича жадваллари (йиллик ёки ярим йиллик) ишлаб чиқилиб, мос равишда юқори турувчи давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

56. Давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби давлат солиқ хизмати органлари расмий веб-

сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Сайёр ва оммавий қабул ўтказиладиган вилоят, шаҳар ва туманлардаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан бир ҳафта олдин аҳоли билан тарғибот ишлари амалга оширилади.

57. Давлат солиқ хизмати органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

Шахсий қабул давомида давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда маҳсус техника воситалари (аудио ва видеоёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

58. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси)нинг раҳбари ёхуд бошқа масъул ходим, шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари таркибий бўлинмаларининг (кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб аталади) раҳбарлари ёхуд бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомнинг З-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади. Ҳисобга олиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

59. Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат солиқ хизмати органларининг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видео-конференц-алоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

60. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

61. Давлат солиқ хизмати органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

62. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича

давлат солиқ хизмати органининг бошқа ходимларини ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мүмкин.

63. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда, жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

64. Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек, оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартиralарга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

65. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр ва оммавий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 58-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда бёлгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Жойларда учрашувларни ўтказиш мавзусига мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда устувор бўлган фуқаролик жамиятини ва ҳалқ билан очиқ мулоқотни ривожлантириш, инсон ҳукуқ ва манфаатларини, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режалари тўғрисида аҳолига етказиш, жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимларини топиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби долзарб масалалар киритилиши лозим.

Сайёр ва оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича тегишли баён тўлдирилади,chora-tadbirlar режаси ишлаб чиқилади.

66. Оммавий қабуллар вақтида давлат солиқ хизмати органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

## **8-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини видео-конференц-алоқа воситасида қабул қилишни ташкил этиш**

67. Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакили давлат солиқ хизмати органининг раҳбарига ёхуд уларнинг мансабдор шахсларга видеоонференцалоқа воситасида мурожаат бериши, олдиндан

тасдиқланган махсус ахборот-коммуникация технологияларини күллаган ҳолда видео-конференц-алоқа жадвал орқали амалга оширилади.

68. Бунинг учун мурожаат этувчи видео-конференц-алоқа ўрнатилган тегишли давлат солик хизмати органига белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат қиласи. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.

Талабномада қуидагилар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахс учун мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

электрон почта манзили;

алоқа телефони ва/ёки факснинг рақами;

видео-конференц-алоқа ўтказишга қулай сана ва вақт;

мурожаат тили;

мурожаатнинг қисқача мазмуни.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

69. Видеоконференцалоқа орқали келиб тушган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) томонидан рўйхатга олиниши ва давлат солик хизмати органининг раҳбарига киритилиши керак.

70. Давлат солик хизмати органининг раҳбари, талабномани кўриб чиқиб, видео-конференц-алоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи.

Қабул қилинган қарор, видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида давлат солик хизмати органи жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда огоҳлантиради.

71. Видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни қабул қилиш жадвали ўзгарган тақдирда, Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) олдиндан (электрон почта, алоқа телефон ва/ёки факс рақамлари, почта ва бошқалар) орқали огоҳлантириши керак.

72. Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

### **9-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари**

73. Мурожаатлар давлат солик хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар раҳбарлари ва уларнинг мансабдор шахслари

томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қуидаги ҳукуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

кўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

мурожаатни кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

74. Жисмоний ва юридик шахслар, давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар раҳбарлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиша ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

#### **10-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиша давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳукуқ ва эркинликлари**

75. Мурожаатларни кўриб чиқиша давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар раҳбарлари ва уларнинг мансабдор шахслари қуидаги ҳукуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибида сўраш ва олиш;

мурожаат қилувчи ёки унинг вакилини улар йўқлигига мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмагандан ёхуд мурожаатни эшлиши учун чақириш;

била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

76. Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари:

мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **11-боб. Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

77. Давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз таркибий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий

мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

78. Мурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

79. Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантирилмаган, кўриб чиқилмаган мурожаатларнинг, шунингдек, бошқа маълумотларнинг статистик ҳисобини юритади.

Давлат солиқ хизмати органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Ҳар ой якуни бўйича давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан ўтказилган учрашувлар натижалари тўғрисида маълумотлар умумлаштириб, таҳлил қилинган ҳолда муҳокама этиш учун киритилади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки тегишли таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чоралар акс эттирилган маълумотномалар (шарҳлар) тузилади ҳамда давлат солиқ хизмати органлари раҳбарига мурожаатларни кўриб чиқишининг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шарҳлар) тегишли давлат солиқ хизмати органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

80. Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мурожаатлар билан ишлаш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

81. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, давлат солиқ хизмати органларининг расмий веб-сайтларида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳар ойда эълон қилиниши мумкин.

82. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) тушган мурожаатларни таҳлил қилиш якунлари бўйича давлат солиқ хизмати органларининг расмий веб-сайтида тегишли статистика маълумотларини ҳар ойда эълон қилиш учун Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (бўлими)га тақдим этади.

## **12-боб. Якунловчи қоидалар**

83. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишини қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

84. Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштироқидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон қарори ва ушбу Низом талабларига риоя этишни таъминлаш учун жавобгарлик давлат солиқ хизмати органлари ва қўмитага қарашли муассасалар раҳбарларига ва уларнинг ўринбосарларига, Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ва тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарларига юкланди.

85. Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикояти ана шу мурожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ заарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чиқиш учун давлат солиқ хизмати органларининг раҳбари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг талабига кўра жойларга бориш муносабати

билинганинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида қопланади.

Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишида қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий заарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўланган маблағлар айбор мурожаат берганликка регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.


86. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик, шунингдек, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибида жавобгарликка сабаб бўлади.

**Давлат солиқхизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Жисмоний ва юридик шахслар	Давлат солиқхизмати органлари (шу жумладан, Давлат солиқ кўмитаси таркибий тузилмасига кирадиган ташкилотлар)га мурожаатларни бериш	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
	Давлат солиқхизмати органи	Ишонч телефонига келиб тушган мурожаатларни қабул қилиб, рўйхатга олиш учун Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (худудий бўлинмалари)га тақдим этиш.	Мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечирилмасдан
2-босқич	Давлат солиқ кўмитаси Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси Мурожаатлар билан ишлаш бўлими ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мурожаатларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш.</li> <li>2. Мурожаатда баён қилинган масалаларни ўрганиш.</li> <li>3. Мурожаат келиб тушган давлат солиқхизмати органининг ўзида кўриб чиқиладиган мурожаатларни назорат қуловчи раҳбарни ёки унинг ўринбосарига муносабат билдириш учун киритиш ва тегишли тузилмаларга ижро учун етказиш.</li> <li>4. Давлат солиқхизмати органларининг кўриб чиқиладиган тузилмалари (ДСБ, ДСИ)да кўриб чиқиладиган мурожаатларни (Мурожаатлар билан ишлаш) тузилма раҳбари томонидан электрон тарзда имзолangan ҳолда ижро учун худудларга юбориш ва бу ҳақда мурожаат қилувчini хабардор қилиш (Юқори турувчи органларга келиб тушган мурожаатларни мазкур органнинг тегишли таркибий тузилмасига ахборот учун тақдим этиш).*</li> <li>5. Мурожаатларни таалуқлителги бўйича бошқа давлат органига юбориш ва бу ҳақда мурожаат қилувчiga ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиш.*</li> </ol>	<p>1,2,3) Мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечирилмасдан</p> <p>4-5) *Мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб беш кун мобайнида мурожаат қилувчini хабардор қилиш</p> <p>*ДСБ, ДСИ да кўриб чиқиладиган мурожаатларни кейинги иш кунидан кечирилмасдан</p>
	Давлат солиқхизмати органлари таркибий бўлинмаси	Мурожаатларни иш юритувига қабул қилиш	Иш юритувига қабул қилинган кунда
3-босқич	Давлат солиқхизмати органлари таркибий бўлинмасининг масъул тузилма раҳбари (ходими)	<p>Мурожаатларни кўриб чиқиш</p> <p>Мурожаатларни кўриб чиқиб натижасига кўра жавоб хатини тайёрлаш</p> <p>Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши учун текшириш ўтказиш, кўшимча материалиларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирларни кўриш зерур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддатлари төслиши дафлат органни раҳбарияти томонидан истисно тарикасида узоги билан бир ойга узайтиришиши мумкин ва бу ҳақда мурожаатчига маълум қилинади</p> <p>Таклифларни кўриб чиқиш</p> <p>Кўшимча равишда ўрганишини талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклиф киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддат ичida ёзма шаклда маълум қилинади</p> <p>Тайёрланган жавоб хатини Юридик бўлим (хизмат) ва Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (худудий бўлинмалари) билан келишилган ҳолда давлат солиқхизмати органлари раҳбари ва унинг ўринбосарига имзога киритиш</p>	<p>Кўриб чиқиш муддати тугагунга қадар</p> <p>Мурожаат келиб тушган пайтдан бошлаб бир ойдан кечирилмасдан</p>
	Давлат солиқхизмати органлари раҳбари ва унинг ўринбосари (Давлат солиқ кўмитасининг таркибий тузилма раҳбари)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мурожаат қилувчiga ёзма (электрон) шаклда жавоб хатини йўллаш.</li> <li>2. Мурожаатни кўриб чиқиш тугагланганинг белгиланган тартибида кайд этиш.</li> <li>3. Юқори турувчи давлат солиқхизмати органининг назоратидан турган мурожаатларнинг натижалари тўғрисида ДСБнинг мурожаатни кўриб чиқишига масъул бўлинмалари томонидан ДСКнинг Мурожаатлар билан ишлаш бўлимига белгиланган тартибида ёзма шаклда хабар беради.</li> </ol>	<p>1) Кўриб чиқиш натижалари бўйича жавоб хати имзолangan кунда</p> <p>2,3) Мурожаат қилувчiga жавоб хати юборилган кунда</p>
4-босқич	Давлат солиқ кўмитаси Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси Мурожаатлар билан ишлаш бўлими ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<a href="http://ptt.gov.uz">ptt.gov.uz</a>) ва Боз прокуратуранинг «Ишончи» телефонига (<a href="http://cm.track.uz">cm.track.uz</a>) орқали ДСКга келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижалари бўйича маълумотларни ушбу дастурлар орқали юборади.</p> <p>2. Мурожаатларнинг ижроси юзасидан таҳтиллар ўтказиш, мурожаатлар ҳамда уларнинг тағорланишини келтирувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан давлат солиқхизмати органлари раҳбари таглифлар киритиш.</p> <p>3. Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳтил қилиш, натижаларига кўра тузилган маълумотларни қўмитанинграсий веб-сайтларида эълон қилиш.</p>	<p>1) Мурожаат қилувчiga жавоб хати юборилган кунда</p> <p>2,3) Хар ой якунин билан</p>

\*\* Мурожаатлар давлат органларига юқори давлат органлари ёки тегишлилги бўйича бошқа давлат органлари орқали ҳам тушиши мумкин. Зарур ҳолларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юқори давлат органни томонидан назоратта олиниди.

# Давлат солиқ құмитасига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини күриб чиқыш бүйіча масъул тузилмани белгилаш СХЕМАСИ




**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАЙД  
ЭТИШ КАРТОЧКАСИ**

Тартиб рақами:	Савол:
Мурожаат қилувчи:	
Манзили:	
Мурожаат келиб тушган сана:	Мурожаат қилувчилар сони:
Мурожаатнинг шакли:	Варақлар сони:
Қабул шакли:	Дубликат/такрорий:
Мурожаатнинг тури:	Олдинги мурожаатнинг санаси ва рақами:
Назорат тури:	
Мурожаатнинг қисқача мазмуни:	
Резолюцияни (топшириқни) имзолаган раҳбар:	
Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи):	Бажариш муддати:
Таркибий бўлинма:	Ижрочи:

<b>Мурожаатни кўриб чиқишнинг ҳолати</b>		
Юборилган сана:	Қаерга юборилган:	Жавоб хатининг рақами ва санаси:
Муддати узайтирилган сана:	Ким (имзо) томонидан:	
Жавоб хати келган сана:		
Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:		
Назоратдан олинди (ким томонидан):	Бажарувчининг имзоси:	
Сана:	Бажарилган сана:	
Мурожаатни кўриб чиқиш муддати бузилганлиги ҳақидаги белги:		

Жиисмөний ва юрийд шахслар ва уларнинг вакиллари томонидан давлат солик хизмати органларига телефон орқали («Ишонч телефони» ва бошقا) килинган оғзаки мурожаатларни кайд этиш шакли

**Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш СХЕМАСИ**



ДСКнинг 2019 йил 10 апрелдаги  
87-сон буйруғига з-илова

**Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги хукуқбузарликлар билан боғниҳ ҳолатларини кўриб чиқиши**  
**СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскич	Мурожаат қиливчи	Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги хукуқбузарликлар билан боғниҳ ҳолатлар юзасидан Давлат солик кўмитаси “Ишонч телефони” ёки “Солик-сервис” ДУКНИНГ “Call-маркази”ига мурожаат қилиш	Ариза берувчининг хошишига кўра
2-боскич	Давлат солик Навбатчи	Хукуқбузарлик бартараф этилиши юзасидан телефон орқали профилактирик сұхбат ўтказиш ва электрон огоҳлантириш расмийлаштириш	Дарҳол
3-боскич	Кисим ва идоравий қўриклиш ҳамда “Солик-сервис” ДУКНИНГ “Call-маркази”	Хукуқбузар огоҳлантирилгандан сўнг хукуқбузарлик ҳолати бартараф этилмагандан Солик соҳасида хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ва унинг худудий бўлиннамаларига (кейинги матнда Профилактика бошқармаси деб аталади) ахборот тақдим этиш	Бир соат ичида (иш куни давомида)
4-боскич	Профилактика бошқармаси	Қиска муддатли текшириш ўтказиш юзасидан рухсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президент хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича Вакил (кейинги матнда Вакил деб аталади) девонининг худудлардаги бўлиннамаларига буорта маълумат бериш	Бир иш куни давомида
5-боскич	Вакил	Буортмани кўриб чиқиши ва унинг натижаси бўйича рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш	Бепиланган муддатда
6-боскич	Профилактика бошқармаси	Рухсат асосида қиска муддатли текшириш ўтказиш	Бир иш куни давомида
7-боскич	Мурожаатнинг кўриб чиқиши натижаси бўйича мурожаат муагифига ахборот бериш	Мурожжат көлиб тушган пайтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан	